

Улар ёлғондан бошқасини айтмаслар

10:00 / 08.11.2018 2646

Аллоҳ таоло Каҳф сурасида шундай марҳамат қилади:

مِنْ تَخْرُجُ كَلِمَةً كَبُرَتْ لِأَبَائِهِمْ وَلَا عِلْمٍ مِنْ بَيْتِهِمْ مَا

كَذِبًا إِلَّا يَقُولُونَ إِنَّ أَفْوَاهِهِمْ

“На уларнинг ва на ота-боболарининг бу ҳақда илмлари йўқдир. Оғизларидан чиқадиган сўз қандай ҳам оғир! Улар ёлғондан бошқани айтмаслар” (5-оят).

Ўша мушриклар ўзларича «Аллоҳ ўзига бола тутди», дейдилар.

Аммо

«На уларнинг ва на ота-боболарининг бу ҳақда илмлари йўқдир».

Мушриклар Аллоҳга ширк келтиришда кўпроқ ота-боболарига суянадилар. Ҳолбуки, ўзлари тўқийдиларми ёки ота-боболарига суяниб гапирдиларми – барибир, уларнинг бу даъволарида заррача илмийлик йўқ. Бу даъво жоҳилона айтилган қуруқ гап, холос.

Уларнинг

«Оғизларидан чиқадиган сўз қандай ҳам оғир!»

Аллоҳ ҳақида билмай туриб гапириш жуда оғир. Айниқса, илмсизларча, жоҳиллик билан «Аллоҳ Ўзига бола тутди», дейиш яна ҳам оғир.

«Улар ёлғондан бошқани айтмаслар».

Мушрикларнинг бу гапи ғирт ёлғондир. Уларнинг бунақа бўҳтонлари, Қуръони каримдаги очиқ-ойдин баёнотларга ишонмасликлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни таассуфга соларди.